Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чиқиши, № 62 (13.622).
15 МАРТ 1967 йил ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Австрия федерал канцлери И. Клаус Москвага келди

Австрия Республикасининг федерал канцлери И. Иозеф Клаус Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан 14 мартда Москвага келди.

Инни мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Австрия ҳукумати бошлиғини СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов, СССР министрлари ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ИККИ КУН ДАМ ОЛИНАДИГАН БЕШ КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИГА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ишчи ва хизматчиларини ҳар ҳафта учун ҳозирги вақтда белгилаб қўйилган миқдордаги иш вақтини сақлаб қолган ҳолда беш кунлик (беш кун ишланадиган ва икки кун дам олинадиган) иш ҳафтасига планли равишда ўтказиш амалга оширилсин.

Ишчи ва хизматчиларни беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига қадар асосан тугаллансин.

Ишлаб чиқариш характери ва иш шароити жиҳатидан икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлмаган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилари учун иш ҳафтасининг илгариги режими сақланиб қолинсин.

2. Ушбу фармон СССР Олий Советининг тасдиқига тақдим этилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1967 йил 14 март.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ВЦСПСДА

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ИККИ КУН ДАМ ОЛИНАДИГАН БЕШ КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИГА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС XXIII съездининг қарорларини ижро этиб, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароитини енгиллаштириш, уларнинг малакасини ва маданий савиясини янада ошириш имкониятини кенгайтириш мақсадида, шунингдек ишлаб чиқаришни тағин ҳам рационал ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ўстириш мақсадида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС «Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчиларини икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ишчи ва хизматчиларини ҳар ҳафта учун ҳозирги вақтда белгилаб қўйилган миқдордаги иш вақтини сақлаб қолган ҳолда, беш кунлик (беш кун ишланадиган ва икки кун дам олинадиган) иш ҳафтасига планли равишда ўтказиш кўзда тутилади ва бу ўтказишни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига қадар асосан тугаллаш назарда тутилади.

Ишлаб чиқариш характери ва иш шароити жиҳатидан икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлмаган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилари учун иш ҳафтасининг илгариги режими сақланиб қолинади.

Қарорда ишчи ва хизматчиларни беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш тартиби белгилаб берилди. Шу тартибга кўра, беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш, қонда тарқасида, иттифоқдош республика (областларга бўлинмаган бўлса), автоном республика, ўлка, область, шаҳар ёки ишчи посёлкасининг территориясида жойлашган ҳамма корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда айни бир вақтда амалга оширилажак.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари автоном республикалар, ўлкалар, областлар ва йирик саноат марказлари бўйича давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ишчи ва хизматчиларини беш кунлик иш ҳафтасига ўтказишнинг календарь планларини СССР министрликлари ва идоралари, кооператив ва жамоат ташкилотларининг марказий органлари ҳамда касаба союзларининг республика Советлари билан биргаликда ишлаб чикиб, бу планларни зарур материаллар билан қўшиб ва асослантириб СССР Министрлар Советининг кўриб чиқиши учун тақдим этишлари лозим.

Тасдиқланган календарь планларга мувофиқ ишчи ва хизматчиларни беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш қуйидагича амалга оширилади:

Умумиттифоқ ва иттифоқ-республика министрликларига ва идораларига қарашли давлат корхоналарида, муассасалар ва ташкилотларида бу иш — СССР министрликлари ва идоралари ҳамда Касаба союзлари марказий комитетларининг иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари билан биргаликда келишиб олинган қарорларига биноан ёки уларнинг ижозати билан автоном республикалар Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатларининг область (ўлка) Советлари ижроия комитетлари билан келишиб амалга оширилади;

Республика қарамогидаги ва маҳаллий қарамоқдаги давлат корхоналарида, муассасалар ва ташкилотларда бу иш — иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг қарорларига биноан ёки уларнинг ижозати билан республика министрликлари ва идораларининг, автоном республикалар Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари область (ўлка) Советлари ижроия комитетларининг тегишли касаба союз органлари билан биргаликда қабул қилинган қарорларига биноан амалга оширилади;

Кооператив ва жамоат корхоналарида, муассасалар ва ташкилотларда — кооператив ва жамоат ташкилотлари маҳаллий органлари томонидан иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан келишиб белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари аппаратининг ходимларини беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш СССР Министрлар Советининг қарорларига биноан амалга оширилади. республика ва иттифоқ-республика министрликлари ва иттифоқдош республикалар идоралари, автоном республикалар Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари область (ўлка) Советлари ижроия комитетлари аппаратининг ходимларини беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш эса, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг қарорларига биноан амалга оширилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС ходимларни беш кунлик иш ҳафтасига ўтказишдан олдин ишчи ва хизматчилар кенг активларининг иштироки билан меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилашга доир пухта тайёргарлик ишларини ўтказиш ва шу тарқа белгиланган барча топшириқларни ишлашнинг янги режими шароитида бажаришни таъминлаш вазифасини министрликлар ва идоралар, меҳнаткашлар депутатлари область (ўлка) советларининг ижроия комитетлари, корхоналарнинг, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда касаба союзларининг тегишли комитетлари ва Советлари зиммасига юкладилар.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига ишлаб чиқариш характерини ва ходимлар коллективларининг манфаатларини ҳисобга олиб, сменалар бошланиши ва тамомланишнинг энг рационал вақтини касаба союз ташкилотлари билан биргаликда ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари билан келишиб белгилаб қўйиш топширилди.

СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари саноат корхоналари ва қурилишларнинг ишчилари ва хизматчиларини беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш чоғида асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишни таъминлашлари лозим ва, жумладан, меҳнат ресурслари, моддий ресурслар ва бошқа ресурслар имкон берган жойларда иш сменасини кўпайтириш тадбирларини, шунингдек халқ истеъмол қиладиган моллар ва маҳсулотнинг дефицит турларини чиқараётган ҳамда уч омена ишлаётган корхоналарда ишлаб чиқаришни узлуксиз ташкил этиш графигини жорий қилиш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширишлари лозим.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, министрликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ишчи ва хизматчиларни беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш чоғида корхоналар ўртасида давом қилиб келаётган ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик алоқаларини, шунингдек корхоналарни таъминлаб турувчи, реализация қилувчи ташкилотлар ва транспорт ташкилотлари билан давом қилиб келаётган ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик алоқаларини янада яхшилашни таъминлашлари, бутун ҳафта давомида юкларни бир маромда ортиш ва тушириш тадбирларини ишлаб чиқиб амалга оширишлари, шу билан бирга, темир йўл вагонларининг, дарё ва денгиз флоти кемаларининг ҳамда автотранспорт воситаларининг нормадан ташқари бекор туриб қолишларига йўл қўймасликлари лозим.

Темир йўл станциялари, портлар ва пристаналар орқали юкларни жўнатаётган ҳамда олаётган корхоналар ва ташкилотлар шу юкларни ҳафтанинг ҳамма кунлари давомида бериб, юклаб, тушириб, элтиб ва қабул қилиб туришлари лозим.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари область (ўлка) Советларининг ижроия комитетлари, СССР Маданият министрлиги, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги кинематография комитети, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги радиоэшиттириш ва телевидение комитети, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот комитети, йўллар министрлиги, СССР Алоқа министрлиги, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, СССР Савдо министрлиги, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатиш билан алоқадор бўлган бошқа министрликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар икки кун дам олинадиган шароитда ишчи ва хизматчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширишлари, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг шаҳардаги ва шаҳар атрофи пассажир транспорти корхоналари ва ташкилотларининг, савдо ва умумий овқатланиш, маданият ва санъат, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотларининг, болалар муассасалари, медицина муассасалари ва шу кабиларнинг, иш режимини ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ва дам олишнинг янги шароитига мослаб зарур даражада ўзгартиришни таъминлашлари шартдир.

«Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчиларини икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш тўғрисидаги» қарор умумий таълим мактабларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ҳамда профессионал-техника таълими системасидаги ўқув юртларига жорий қилинмайди.

СССР Министрлар Советининг меҳнат ва иш ҳақи масалалари билан шуғулланувчи давлат комитетига корхоналарга, муассасалар ва ташкилотларга тавсия қилинадиган иш графигини ишлаб чиқиб, бир ой муддат ичида нашр этиш топширилди.

Қарорда шу нарса кўзда тутилдики, иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари, область, ўлка, район, шаҳар партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари ишчилар ва хизматчиларни беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш билан алоқадор бўлган зарур ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришни таъминлашлари лозим.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС, СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари зиммасига корхоналарнинг, муассасалар ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчиларини икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш тадбирларининг амалга оширилишини қабул қилинган қарорга мувофиқ тегишли касаба союз органлари билан биргаликда доимо контроль қилиб туриш вазифасини юкладилар.

КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БЛОКИНИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

14 мартда Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссия раиси М. А. Зоидовнинг республикада 12 мартда бўлиб ўтган сайлов якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Республика давлат ҳокимиятининг олий органига сайлов қонун талабларига қатъий риоя қилингани ҳолда, сайловчиларнинг юксак активлигида ўтганлигини Марказий сайлов комиссияси мамнуният билан қайд этди. Ўтган сайлов Ўзбекистон меҳнаткашларининг Коммунистик партия теварагида маҳкам жипслашганлигини, КПСС XXIII съезди тарихий қарорларини шараф билан амалга оширишга, Совет давлатининг юзли 50 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёр эканликларини кўрсатувчи катта намойишга айланиб кетди. Республика бўйича умуман олганда барча сайловчиларнинг 99,99 проценти овоз беришда қатнашди. Овоз бериш учун рўйхатга олинган барча сайловчилар кўпгина округларда тушгача ўз гражданлик бурчларини бажариб бўлдилар.

Барча сайлов округларидан Марказий сайлов комиссиясига келган маълумотларга кўра, сайловчиларнинг мутлоқ кўпчилиги коммунистлар билан партиясизлар блоки номзодлари учун овоз берганлар. Депутатликка овозга қўйилган 458 номзоднинг ҳаммаси Ўзбекистон ССР Олий Советига сайланган.

Сайлов натижалари тўғрисидаги узил-кесил маълумотлар ва сайланган депутатларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Марказий сайлов комиссияси сайловни муваффақиятли ўтказишга ёрдам берган барча ташкилотлар ва меҳнаткашлар коллективларига миннатдорчилик изҳор қилди. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига, министрликларга ва идораларга сайлов кампаниясида энг актив қатнашган ходимлар, шу жумладан округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларини тақдирлаш тавсия этилди. (ЎзТАГ).

ТАСС АХБОРОТИ

«КОСМОС—147» ПАРВОЗДА

1967 йил 13 мартда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос—147» учирилди. Йўлдош ичига 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ этишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди: бошланғич айланиш даври 89,5 минут; ер юзидаг максимал узоқлашуви (апогейида) 317 километр; ер юзидан минимал узоқлашуви (перигейида) 198 километр; орбитанинг оғиши 65 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари: 19,995 мегагерц частотада ишловчи радиопередатчик; орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема; асбоблар ва илмий аппаратларнинг қандай ишлаётганлиги тўғрисида ерга маълумотлар бериб турадиган радиотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаяпти. Координация — ҳисоблаш маркази келаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

ЯРИМ АСР ЖАНГОВАР САФДА

«Известия»нинг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлис

«Известия» газетаси ўз йилномасини тарихий 1917 йилдан бошлаган. Унинг биринчи сони Россияда самодержавие ағдарилган кунинг эртасига чиққан. Газета давлат ҳокимиятининг янги формаси бўлмиш Советлар матбуотининг тўнғич органи эди.

13 март, газета бунёдга келган кун Москва меҳнаткашларининг вакиллари, олимлар, маданият ва санъат арбоблари, журналистлар «Известия»нинг 50 йиллигини тантанали нишонлагани Кремлдаги Съездлар саройига келишди.

Мажлис аҳли Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Ю. В. Андропов, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Понамарев, М. С. Соломенцев ўртоқларни, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живковни, Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Живко Живковни, Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Тано Цоловни ва бошқа ўртоқларни самимий кутиб олдилар.

Президиумда — СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, министрлар, СССР Давлат комитетларининг раислари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, марказий газета ва журналларнинг бош редакторлари, ҳарбий саркардалар ва бошқа ўртоқлар бор эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев тантанали мажлисни очади.

Қимматли ўртоқлар! — деди Л. И. Брежнев.

Биз совет матбуоти тарихида, мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаёти тарихида муҳим саналардан бири — СССР меҳнаткашлар депутатлари Советларининг органи «Известия» газетасининг 50 йиллигини нишонлаш учун тўпландик.

«Известия»нинг биринчи сони Россияда чор самодержавиесини ағдариб, мамлакатимизда социалистик революция ғалабаси учун кураш йўлини очиб берган Февраль революцияси ғалаба қозонган кунинг эртасига чиқди.

Совет матбуоти — партиямиз фарзанди, халқнинг революцион минбаридир. Октябь кунлари ва гражданлар уруши фронтларида, халқ хўжалигини тиклаш даври ва биринчи беш йилликларда, Улуғ Ватан уруши йилларида фашизмга қарши курашда, урушдан кейинги қурилиш йилларида, «Правда», «Известия» газеталари ва матбуотимизнинг бошқа органлари партияга актив ёрдам берди. Матбуот яратилди, халқ билан бирга ўсди, ривожланди. Совет Иттифоқида матбуот чинакам оммавий, чинакам халқчил бўлиб қолди. Газеталаримизнинг тиражи жаҳонда энг катта эканлиги бежиз эмас. Бугунги юбиляр газетамиз «Известия» шу жиҳатдан озмунча муваффақиятларга эришмади, мамлакатимизда оммавий газеталардан бири бўлиб қолди.

«Известия»нинг 50 йиллиги, даставвал шу газетани чиқарадиган известиячи журналистлар, босмахона ва нашриёт ходимлари талантли коллективининг байрамидир, албатта. Шу билан бирга, бу бутун матбуотимизнинг ҳам байрамидир. «Известия» газетаси юбилей санасининг тантанали характерда байрам қилиниши партиямиз, ҳукуматимизнинг, мамлакат жамоатчилигининг совет матбуотига нихоятда катта аҳамият бераётганликларини кўрсатувчи яна бир далилдир.

«Правда», «Известия» ва матбуотимизнинг бошқа органлари, совет радиоси ва телевиденеси халқни тарбия қилиш, партия ғояларини пропаганда этишнинг қудратли воситасидир, жамиятимиз ишларини бошқаришда қатнашувга ниҳоятда кенг меҳнаткашлар оммасини жалб қилиш воситасидир. Совет матбуоти шундай воситаки, унинг ёрдамида партия омма билан кун сайин гаплашиб, маслаҳатлашиб туради, оммага сиёсий билим беради, омманинг ижодий кучларини сафарбар этади, шу билан ўзининг ленинча бош сиёсий йўлини амалга оширади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда матбуотни шунчалик ҳурмат қилишади, унинг овозига шунчалик диққат билан қулоқ солишади, унинг сигналлари, таклифлари ва танқидий мақолаларини шунчалик жон қуйдириб эътиборга олишади.

Биз коммунизм қурилиши даврига кирган, ҳозирги вақтда жамият ҳаётида идеология иши барча турларининг аҳамияти ва уларнинг роли айниқса ошиб кетди. Бизнинг сиёсий, хўжалик ва маданий қурилишимиздаги бугунги ва келажакдаги муваффақиятларимиз, давлатимиз қудратининг мустаҳкамланиши, унинг халқаро майдондаги ролининг янада юксалиши идеология ишларининг савиясига, жамиятимиздаги барча аъзоларнинг онглилик даражаси ва социал активлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

(Давоми иккинчи бетда).

Тошкент области. Носирполвон Тошқўзиев 37 йилдан буён Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлаб келаётир. У ўз ишининг моҳир устаси. У бошлиқ бригада йилдан-йилга полиз ва сабзавот экинларидан юқори ҳосил етиштирапти. Юбилей йилида 38 гектар ердан 364 тонна полиз экинлари маҳсулоти етиштиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Бригадада ҳозир карам кўчатларини ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. Суратда: (чапдан) Носирполвон Тошқўзиев ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, колхоз раиси Туроб Нормуҳамедов ўртоқлар ўтказилаётган карам кўчатларини кўздан кечирмоқдалар.

Қ. Розиков фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

МЕЛИОРАТОР ОЛИМЛАР ЙИҒИНИ

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мелиорация масалаларига бағишланган бирлашган сессияси 14 мартда Тошкентда очилди. Мамлакатнинг атоқли мелиоратор олимлари ва сув хўжалиги мутахассислари сессия ишида қатнашмоқдалар.

Сессияни очишда кириш нутқи сўзлаган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун ва мелиорация масалаларини ҳал этишда олимларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришда ушбу сессия катта аҳамиятга эга бўлади, деб таъкидлади.

Сессиянинг биринчи мажлисида республика қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари Х. М. Жалиловнинг Ўзбекистон ССРда суғориладиган деҳқончилик ва пахтачиликни ривожлантириш тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри С. М. Мамарасуловнинг суғориш системаларини реконструкция қилиш ва ернинг мелиоратив аҳволини яхшилаш тўғрисидаги, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси ва Туриманистон ССР Фанлар академиясининг академиги И. С. Рабачевнинг шўр босган тупроқларни мелиорациялаш соҳасида фан эришган ютуқлар ва вазифалар тўғрисидаги, «Главсредазирсовхозстрой» бош инженери Е. И. Озерскийнинг Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштириш ва мелиорация қилиш тажрибаси тўғрисидаги, «Узглавводстрой» бошлиғи Н. Р. Ҳамроевнинг Марказий Фарғона ва Сурхондарё ерларини ўзлаштириш ва суғориш тажрибаси тўғрисидаги докладлари ва бошқа докладлар тингланди.

Сессия иши уч кун давом этади. Сессия қатнашчилари мелиорация ишларини олиб бориш тажрибаси билан танишиш мақсадида Мирзачўлга бориб келдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Нишонов ўртоқлар сессия ишида қатнашмоқдалар. (ЎзТАГ).

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан

ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ

Ф. РИЗАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

□ □

Улуғ Октябрь социалистик революцияси собиқ Россия империясидаги барча мазлум халқлар қатори деҳқонларни ҳам абадий озодликка чиқарди. Лекин қишлоқ хўжалигида социалистик ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантирилиш, уни социалистик асосда қайта қуриш ўйлида катор жиддий тўсиқлар турарди. Қишлоқда ўтмишнинг ер-сув муносабатларидаги сарқити бўлган помешчикларнинг уруғчилик ва феодал ер эгалиги мавжудлиги ана шундай асосий тўсиклардан бири эди.

Ҳамма ердагидек Ўзбекистонда ҳам ер-сув ислоҳоти арафасида (1925 йилда) мавжуд ерларнинг катта қисми шаҳар ва қишлоқ бойларининг қўлида тўпланган эди. Уларни ана шу хусусий мулкдан маҳрум этиш, ерни уни ишловчилар қўлига олиб бериш зарур эди. Республика партия ташкилоти бу муҳим масалани ҳал қилишга киришди. Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партиясининг II съезди ўзбек қишлоғининг 1925 йилдаги уклалини қуйидагича характерлаб берди: барча экин экиладиган ерларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи шаҳар ва қишлоқдаги бир ҳовуч помешчиклар ҳамда бой-қулоқ элементлар қўлида тўпланишига ва қишлоқнинг камбағал-ўрта ҳол қатламини қул қилишга олиб келувчи ерга хусусий мулкчиликдан иборат феодал муносабатларининг қолдиқлари қишлоқда ҳанузгача тугатилгани йўқ. Фарғона областининг айрим волостларида синфий табақаланиш янада очиқ-ойдин характерга эга эди.

Шу туфайли 1925 йилга келиб социал қарама-қаршиликларни ҳал қилиш, шунингдек хўжаликни янада юксалтириш учун ер-сув ислоҳотини ўтказиш зарур эди. Меҳнаткаш деҳқонларни уюштирган ҳолда Советларни янада мустаҳкамлаш асосида ерни амалда национализация қилиш вазифасини киска вақт ичида бажариш, бунинг учун эса йирик помешчик-феодалларнинг ердан фойдаланишига узил-кесил барҳам бериш, ерни тўла равишда меҳнаткаш деҳқонлар ихтиёрига олиб бериш лозим эди.

Ер-сув ислоҳотини ўтказишга атрофлича тайёргарлик кўриш масаласи Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитетининг диққат марказида бўлди. Марказий Комитетнинг 1925 йил июль ойида бўлиб ўтган III пленуми билан Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партиясининг ўша йили ноябрь ойида бўлиб ўтган II съезди орасидаги даврда Марказий Комитет, область ва район ижроия комитетлари ҳузурида ташкил этилган ер комиссияларн деҳқонларга бўлиб берилиши лозим бўлган ерларни ҳисобга олдилар. Помешчик ва феодаллардан тортиб олинган ерларда ташкил этилиши лозим бўлган хўжаликларнинг сонига тааллуқли маълумотлар тайёрланди, уларни таъминлаш учун зарур бўладиган қишлоқ хўжалик асбоблари ва бунга кетадиган маблағнинг миқдори белгиланди. Ер-сув ислоҳотига тайёргарлик кўриш Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партиясининг II съезди арафасида асосан тугалланди ва съезддан кейиноқ ислоҳотни амалда ўтказишга киришилди.

Ер-сув ислоҳотини ўтказишдан асосий мақсад қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларни тезроқ юксалтириш учун шарт-шароитлар вужудга келтиришдан иборат эди. Қишлоқда феодал муносабатлари қолдиқларини йўқотиш ва деҳқон хўжаликларини янада юксалтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўювчи ер ислоҳоти керак эди. Асосий вазифалар ҳам шунга биноан белгиланди.

Съезднинг ер-сув ислоҳоти ҳақидаги қарорини қишлоқдаги камбағал-ўрта ҳол деҳқонларнинг кенг оммаси ҳурсандлик билан кутиб олди. 1925 йил 2 декабрда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг фавқулодда сессиясида «Ер ва сувни национализация қилиш ҳақида» декрет қабул қилинди. Декрет меҳнаткаш деҳқонлар томонидан амалда ишланаётган ерни уларга ҳар бир район учун алоҳида белгиланган нормалар бўйича бириктиб қўйди.

Ўзбекистон Совет социалистик республикасида «Ер ва сувни национализация қилиш ҳақида»ги декретнинг 4-моддасини ривожлантириш мақсадида Фарғона, Самарқанд ва Тошкент областларида «Ер-сув ислоҳоти ўтказиш ҳақида» махсус декрет қабул қилинди. Ана шу уч областда 1925—1926 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти Зарафшон областидаги камбағал-ўртаҳол деҳқонлар оммасининг кайфиятига таъсир қилмай қолмади, албатта. Улар 1926 йилнинг баҳорида дарҳол ер ислоҳоти ўтказишни қаттиқ талаб қилдилар. Шу туфайли 1926 йилнинг 16 декабрида Зарафшон областида ер-сув ислоҳоти ўтказиш ҳақидаги декрет эълон қилинди ва 1927 йилнинг 15 февралига келиб ишнинг барча асосий қисми тамомланди.

ВКП(б) Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ер-сув ислоҳоти ўтказишнинг мураккаблигини ҳисобга олиб, партиянинг барча кучларини ҳамда батрак-камбағал деҳқонлар оммасини партия ва ҳукумат теварагига жипслашишга ҳамда сафарбарликка чақирдилар. Қуйи партия ва совет ташкилотлари, партия ячейкалари, «Қўшчи» союзлари ва Работземлеслар ўз вакилларини бойларнинг ерини ҳисобга олиш ҳамда улар томонидан яшириб қолинган ер майдонлари ва қишлоқ хўжалик инвентарларини аниқлаш соҳасида иш олиб бораётган комиссияларга ёрдам бериш учун юбордилар. Улар помешчиклар ва савдогарларнинг ерларини аниқлаётган ер комиссияларининг энг яқин ёрдамчилари ролини ўйнадилар, ерни яширишга уриниш ҳолларини фош қилдилар. Область ва район ер комиссияларининг ихтиёрига эса хотин-қизларнинг вакиллари ҳам юборилди ва улар комиссияларнинг ишида актив иштирок этишди.

Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитетининг 1926 йил 26 мартда бўлиб ўтган II пленуми уч областда ўтказилган ер ислоҳотининг якунлари ҳақидаги резолюциясида қишлоқдаги меҳнаткашлар қатламининг, айниқса унинг батрак-ўртаҳол ва чораклорлар қисмининг активлиги мисли кўрилмаган даражада ошганлиги ер ислоҳотини муваффақиятли ўтказиш ҳамда уни ўз вақтида тамомлашда, шубҳасиз, ҳал қилувчи роль ўйнади, деб кўрсатди:

Ер ислоҳотини ўтказишга тайёргарлик кўриш билан бир қаторда, деҳқонлар оммасининг активлигини зарур йўлга солиш, унга уюшқоқлик тусини бериш керак эди. Шу мақсадда ҳар бир қишлоқда ер комиссиялари томонидан қўмаклашувчи группалар ташкил этилди. Ҳар бир группага 10-15 киши бирлашди. Улар орасида қишлоқ жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам бор эди. Комиссиялар партия ташкилотлари теварагига актив чораклорлар, батраклар ва ўртаҳол деҳқонларни уюштирдилар. Бу ер-сув ислоҳотини муваффақиятли ўтказиш имконини берди.

Ер-сув ислоҳотини ўтказиш давомида деҳқонлар оммасининг сиёсий активлигини ошириш соҳасида эришилган муваффақиятлар Советларга сайловлар ўтказиш вақтида янада мустаҳкамланди. Шундай қилиб, иқтисодий қулликдан қутқарилган камбағаллар қишлоқда ўзларининг сиёсий мавқеларини янада мустаҳкамлаб олдилар.

Партия ер-сув ислоҳотини ўтказишга ўртаҳол деҳқонларни ҳам жалб этиш зарур деб ҳисоблади ва уларнинг мулкий манфаатларини муҳофаза қилиш юзасидан барча чораларни кўрди, меҳнат қилиб ердан фойдаланишнинг максимал ўлчовини (хўжалик бошига 4 десятинадан 7 десятинагача ер ва икки бош от) белгилади.

Фарғона, Тошкент ва Самарқанд областларида ер ислоҳотини ўтказишга 1925 йилнинг апрель ойидан декабрь ойигача, Зарафшон областида эса 1926 йилнинг декабридан 1927 йилнинг февраль ойигача тайёргарлик ишлари ҳамда агитация олиб борилди. Бу тадбир амалий ишда ижобий натижа берди. Айниқса ислоҳотни ўтказиш бошлангач агитация ишлари кенг гус олдирилди. Қишлоқларда босмахоналарда тайёрланган жуда кўп шиорлар, плакатлар пайдо бўлди. Сон-саноқсиз оммавий брошюралар нашр этилди. Фақат биргина Зарафшон областида 220990 киши иштироки билан 1472 йиғилиш ўтказилди. Бу ерда ўз сафига 11875 чоракор ва батракни бирлаштирган 684 қишлоқ қўмаклашувчи группаси ташкил этилди.

Ислоҳотга бойлар ва собиқ амир амалдорлари қаттиқ қаршилик кўрсатдилар ва ишни анча қийинлаштирдилар. Дастлаб уч областда ер-сув ислоҳоти ўтказишни 1926 йилнинг 1 мартигача тугаллаш назарда тутилган эди. Бироқ, вазият ўзгарганлиги муносабати билан муддатни ҳам ўзгартиришга тўғри келди. Ер-сув ислоҳотини Фарғона областида 1926 йил 5 мартда, Тошкент ва Самарқанд областларида 15 мартда, Зарафшон областида эса 1927 йилнинг июнь ойида тамомлаш белгиланди.

Тошкент, Самарқанд, Фарғона областларида ер-сув ислоҳоти ўтказиш тугалланиши билан Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг Президиуми 1926 йилнинг март ойида қуйидаги қарорни қабул қилди:

а) Тошкент, Самарқанд ва Фарғона областларида ер-сув ислоҳотини ўтказиш тамомланган деб ҳисоблансин;

б) ер-сув ислоҳоти натижаларини узил-кесил расмийлаштириш, янгидан суғориладиган ерларни ўзлаштириш, хўжаликларни инвентаризация қилиш ва ер-сув ислоҳотини ўтказиш жараёнида ҳамда натижасида вужудга келган масалаларни батамом ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети ҳузурида ер-сув ислоҳотини мустаҳкамлаш юзасидан Марказий комиссия тузилсин.

Барча ана шу ишларнинг якуни Марказий Ижроия Комитетнинг IV сессиясида муҳокамэ қилинди. Марказий Ижроия Комитетнинг сессияси Фарғона, Самарқанд ва Тошкент областларида ер-сув ислоҳоти ўтказиш ҳақидаги докладни тинглаб, Марказий Ижроия Комитетнинг 1925 йил 2 декабрдаги фавқулоддда сессиясида декретлаштирилган ер-сув ислоҳоти муваффақиятли ўтказилганлиги ва мустаҳкамланганлигини таъкидлади. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг 1927 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган мажлиси: Зарафшон областида ер-сув ислоҳоти ўтказиш ва мустаҳкамлаш иши тамомланган деб ҳисоблансин деган қарорни қабул қилди.

Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Зарафшон областларининг ҳаммасида ер-сув ислоҳотини ўтказиш жараёнида жуда катта миқёсдаги ер тузилиши ишлари амалга оширилди, деҳқон хўжаликларини янгидан суғориладиган ерларга кўчириш ва уларнинг қолган қисмини мавжуд қишлоқларнинг ерларига жойлаштириш масаласи тўғри ҳал қилинди, ер танқислиги имконият борича бартараф этилди.

Ўзбекистон ССРнинг тўрт областида ер-сув ислоҳотини муваффақиятли ўтказиш республиканинг хўжалик жиҳатидан энг қолоқ бўлган Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм областларида ҳам ер тузилиши ишларига киришиш имконини берди. Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партиясининг 1927 йилда бўлиб ўтган III съезди республика партия ташкилотлари олдига ҳали ер ислоҳоти ўтказилмаган барча районлардаги ер муносабатларини ўрганиш вазифасини қўйди.

Аграр ислоҳотни ўтказиш натижасида ўзбек қишлоғининг социал структурасида катта ўзгаришлар юз берди. Бутун республикада (Қорақалпоғистондан ташқари) 30 мингдан ортиқ чоракорлар ер олди ва феодал тутқунлигидан озод бўлди.

Республикада ер-сув ислоҳотининг муваффақиятли ўтказилиши натижасида ўрта ҳол хўжаликлар сони кўпайди, энг муҳими ерсизликка барҳам берилдч ва феодал эксплуатациясининг илдизи тагтомири билан қўпориб ташланди.

Ер-сув ислоҳоти ерни национализация қилишни мустаҳкамлади. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1929 йил 25 июнда «Ўзбекистон партия ташкилотининг иши тўғрисида» қабул қилган қарорида бундай дейилади: Ўзбекистонда ўтказилган ер ислоҳоти помешчикларнинг ер эгалигини тугатиб ва қулоқлардан ортиқча ерларни тортиб олиб, ерни национализация қилишни мустаҳкамладики, бу қишлоқни советлаштириш ҳамда қишлоқ камбағаллари ва ўрта ҳол деҳқонларни бойларнинг таъсиридан қутқариш соҳасида муҳим қадам ҳисобланади.

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотининг ўтказилиши ва муваффақиятли тамомланиши қишлоқда социалистик ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш чинакам социал-ишлаб чиқариш характеридаги ўзгаришларни амалга ошириш, яъни коллективлаштиришга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтирди.

Ер-сув ислоҳоти коммунистик партиянинг қишлоқда ўтказган буюк сиёсати бўлиб, у деҳқонлар ҳаётида тубли ўзгаришлар ясади. Социалистик қишлоқ хўжалигимиз, колхоз тузумимиз мислсиз катта ғалабаларга эришган экан «бу ҳаммадан олдин ленинчи партиямизнинг меҳнаткаш деҳқонлар тўғрисидаги кўрсатган ва кўрсатаётган буюк ғамхўрлигининг самарасидир.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

Касбга меҳр

Ё. Узоқов ўз касбига меҳр қўйган почтальонлардан. У тўрт йилдан буён Бош районидаги «Большевик» совхозининг 3-бўлими аҳолисига намунали хизмат қилмоқда. Ана шунинг учун ҳам Ё. Узоқов ўз ҳамқишлоқларининг ҳурматини қозонди.

Б. ҚУЛДОШЕВ.

74 кунда етиб келган хат

Биз 1966 йил 15 ноябрда экспедиция ишлари олиб бораётган инженерларга ёрдам бериш учун Қизилқумга жўнадик. Иш жойига тинч-омон етиб келганимни билдириш мақсадида шу куниёқ уйга, Самарқанд районидаги «Ленинобод» колхозига хат ёздим.

Бироқ, ҳа деганда уйдагилардан хабар келавермади. Яна хат ёздим, ҳамон жавоб йўқ. Ниҳоят 1967 йил 28 январь куни уйга келдим. Ховлимизга кираётганда почтальонни учратдим. Қўлимга хат берди. Қарасам, ўша 1966 йил 15 ноябрь куни ўзим ёзган хат.

Ҳурматли редакция, аҳолига ана шундай «намунали» алоқа хизмати кўрсатаётган Ғиждувон район Кўкча қишлоқ Советидаги 3-алоқа бўлими ходимларига «миннатдорчилигимни» билдиришингизни сўрайман.

М. ДАВРОНОВ.

Кимга учрашим керак?

1967 йил учун «Совет Ўзбекистони» газетасига обуна бўлган эдим. Менга берилган квитанцияга кўра, газета Янгийўл район «Ленинизм» колхози сут-товар фермасига келиши керак эди. Январь ойи газеталарингг бирорта сонини ҳам олганим йўқ. «Ленинизм» колхози қошидаги 6-алоқа бўлими ҳамда Янгийўл район алоқа бўлимининг раҳбарларига мурожаат этсам, улар нуқул елкасини қисишади.

Ҳурматли редакция, кундалик газеталарни вақтида олиб туришимга ёрдам беринг.

Х. УМРЗОҚОВ.

ЯРИМ АСР ЖАНГОВАР САФДА

(Бошн биринчи бетда).

Биз коммунизмни фақат иқтисодий мусобақа шароитида эмас, шу билан бирга, бир-бирларига қарши турган икки социал системаларнинг қаттиқ идеологик ва сиёсий кураши шароитидаги мураккаб халқаро вазиятда қуряпмиз. Жаҳонда бетиним, ярашга ўрин қолмаётган чинакам ғоялар уруши бўляпти. Партиямизнинг идеология жангчилари марксча-ленинча ғоялар байроғини баланд кўтариб бормоқдари, коммунистик идеалларимизни тушунтиришлари ва пропаганда қилишлари, империализмнинг бетўхтов пропаганда ҳужумларини активлик билан қайтармоқдари, душманларимизнинг идеология фронтидаги позицияларига ҳамиша ва дадиллик билан ҳужум қилиб бормоқдари лозим. Мана шу масалаларни ҳал этишда, КПСС XXIII съезднинг сиёсий ва идеология ишлари соҳасидаги қарорларини амалга оширишда совет матбуотининг роли қанчалик катта эканлиги тўғрисида кўп гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ.

Матбуотимизнинг ижтимоий бурчи юксакдир. Матбуотимизнинг барча ходимлари — редакторлари ва очеркистлари, публицистлари ва репортёрлари, мамлакатимиздаги ва чет эллардаги мухбирлари ўз ташаббуслари, сиёсий етук ва ўткир ишлари билан партия ва халқимиз юксак баҳо бераётган мана шу масъулиятли вазифанинг муваффақият қозонишига ёрдам беришга даъват этилгандирлар.

Ўртоқлар, Ленининг совет матбуоти ходимлари олдига қўйган накази—оммани турмушнинг барча соҳаларидан олинган жонли конкрет мисол ва намуналар билан тарбиялаш, кундалик ишнинг ҳаммасида янгиликни барқарор қилиш учун курашиш керак деб, қўйган вазифасини ҳаммангиз яхши биласизлар, албатта. Владимир Ильич Ленин «газеталарни оммани маърифатли қилиш ва уларни турмуш қуришга ва ўз хўжаликларини қуришга ўргатиш қуролига айлантиришга...» даъват этди. Ҳар бир совет журналистининг бурчи мана шу оғир ва жуда муҳим вазифани муносиб ҳал қилиш, бутун куч ва билимларини, ўзининг профессионал маҳоратини ва қалбининг ҳароратини шу ишга сарфлашдан иборатдир.

Ўртоқлар, газетанинг 50 йиллик юбилейи муносабати билан «Известия» коллективини самимий қутлашга ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табрикномасини ўқиб беришга ижозат бергайсизлар.

Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Известия» газетасига табрикномасини қизғин қарсаклар остида ўқиб беради.

Залда Совет Иттифоқи давлат гимнининг [illegible]ри янграйди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний нутқ сўзлади.

Азиз ўртоқлар! Дўстлар!

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг табригини ҳозиргина жуда баланд руҳ билан кутиб олдингиз. «Известия» газетасининг коммунистик жамият қуриш учун партия ва халқ курашига қўшган 50 йиллик ижодий ҳиссаси Ватанимизнинг олий мукофоти билан тақдирланганлигини хабар қилганим билан мен жуда мамнунман.

СССР Олий Совети Президиумининг 1967 йил 13 март Фармонини ўқиб эшиттиришга рухсат бергайсиз:

«Известия» газетасининг 50 йиллиги муносабати билан ҳамда унинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этиш соҳасида кўрсатган катта хизматларини тақдирлаб «Известия Советов депутатов трудящихся СССР» газетаси Ленин ордени билан мукофотлансин».

Газета, унинг ҳар бир сони — катта коллектив ижодий фикри ва меҳнатининг маҳсулидир. Неча ўн минглаб журналистлар ва матбаачилар, неча юз минглаб ишчи ва қишлоқ мухбирлари 50 йилдан бери кун сайин «Известия»ни чиқариб келмоқдалар. 300 дан ошиқ известиячи журналистика соҳасидаги самарали ишлари, уларнинг совет матбуоти ва нашриёт ишини ривожлантиришдаги хизматлари учун СССР Олий Совети Президиуми томонидан Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан тақдирланди.

Бундан ярим аср муқаддам Советлар билан биргаликда унинг «Известия» газетаси ҳам бунёдга келди. Шундан бери Октябрь ғалабаси ва пролетариат диктатурасини мустаҳкамлаш учун, социализм ва коммунизм қуриш учун курашнинг барча босқичларида газета Советларнинг хоҳиш-иродасини, Советлар бирлаштирган меҳнаткаш омма фикри ва орзу-умидларининг ифодачиси бўлиб келмоқда.

«Известия»нинг ҳар бир сони — бизнинг шонли ва машаққатли йўлимиз, бизнинг қаҳрамонона ҳаётимизнинг бзайни оний кўзгусидир. Газета комплектлари варақланар экан, жаҳонда биринчи меҳнаткашлар давлатининг бунёдга келиш ва ривожланиш тарихи, эришган улуғ ютуқларини жангларда ҳимоя қилиш тарихи, халқ бошидан кечирган қаттиқ синовлар ва эришган ғалабаларининг йилномаси кўз олдингизда бирма-бир намоён бўлади.

«Известия» ўзининг оғаси — ленинча «Правда» газетаси билан қўлни-қўлга бериб, унинг традицияларига содиқ бўлгани ҳолда, Коммунистик партиянинг улуғвор ғоялари ва оташин сўзларини омма ўртасига олиб кирмоқда, миллионмиллион кишиларни руҳлантириш ва тарбиялашда, уларнинг куч-ғайрати, иродаси ва онгини хўжалик ва маданий қурилишдаги янгиданянги чўққиларни эгаллашга сафарбар этишда партияга ёрдам бермоқда.

Ҳозирги кунда ишчилар, колхозчилар, интеллигенция партиянинг кенг режаларини амалга ошириш, партия XXIII съезди тарихий қарорларини амалга ошириш устида сабот билан меҳнат қилмоқда. Социализмнинг яратувчилик қудратини, халқнинг улкан ишини, совет кишисини, унинг маънавий қиёфасидаги бутун улуғворлик ва гўзалликни ёркин кўрсатиш, оммаининг ижодий ташаббусини ривожлантириш «Известия» ходимларининг муқаддас бурчидир.

Газетанинг етакчи темаларидан бири — саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, яъни жамиятимиз тараққиёти учун, халқ моддий фаровонлигини ривожлантириш учун асос қилиб олинган масаладир. Шунинг учун ҳам экономика, маданият ва фан, маиший хизмат билан чамбарчас боғланган масалалар бундан кейин ҳам «Известия» саҳифаларида катта ўрин олмоғи керак.

Газета бундан буён ҳам барча совет кишиларининг илмий дунёқараши ва коммунистик ахлоқининг шаклланишида актив роль ўйнамоғи, уларнинг умумхалқ мулкини кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, социалистик жамият турмуши қонунлари ва қоидаларига риоя қилиш, ватанпарварлик ва граждавлик ҳисларини мустаҳкамлашга даъват этилган.

«Известия» партиянинг омма билан алоқасини кучайтириш, социалистик демократияни ривожлантиришда партиянинг содиқ ёрдамчисидир. Сўнгги вақтларда газета КПСС XXIII съезди қарорларидан келиб чиқувчи ва Советларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги ролини янада юксалтириш, Советларнинг ўзига хос барча имкониятлардан фойдаланиш, Советларнинг иш методлари ва формаларини яхшилаш билан боғлиқ бир қанча масалаларни ўртага қўйди.

Депутатларнинг мақолалари ва хатларида оммаининг ўз давлати ишларини бошқаришига доир хилма-хил тажрибалари баён қилинган. Ленин шундай тажрибаларни қиттак-қиттак бўлса ҳам йиғиб, уларни ёйишга ўргатди. Бунда матбуот ва, албатта, биринчи навбатда Советларнинг асосий газетаси «Известия» катта роль ўйнаши керак.

Ленинча ташқи сиёсатни амалга оширишда, жаҳон социализм системасини мустаҳкамлашда, империализмнинг агрессия сиёсати, унинг чириган идеологиясига қарши актив курашда матбуотимиз партия билан давлатимизга ҳамиша ёрдам бериб келмоқда. Известиячилар бундан буён ҳам марксизм-ленинизмнинг ўлмас ғояларини, социал адолат, озодлик ва инсонпарварлик ғояларини барқарор этиб, империалистик реакцияга қарши курашнинг олдинги сафларида бўлишларига шак-шубҳа йўқ.

Қимматли ўртоқлар! Ҳаётимиз катта ғалабаларга бой, шуларни қўшиқларда куйлагингиз, рассомларнинг расмларида, китобларда ва, албатта, газета саҳифаларида акс эттиргингиз келади. Известиячи ўртоқларимиз мана шу ҳаётни ҳар томонлама ёркин ва ҳаққоний акс эттиришларини, совет кишисининг меҳнати кундан-кунга тобора мўл-кўл самара бериб, давлатимиз тобора бой ва кучли бўлиши учун янада ғайрат билан курашишларини истардик.

Уларнинг қалами ҳамиша ўткир ва муросасиз бўлсин, олға ҳаракат қилишга халқит берувчи, Советларга хос ҳаёт воқелигига, социализм ишига зид келувчи ҳамма нарсани аниқ нишонга олиб ўт очаверсинлар.

«Известия»нинг жанговар коллективи — редакция ходимлари, мамлакатимиздаги ва чет эллардаги мухбирлари, босмахона ишчилари ва инженер-техник ходимлари, нашриёт ходимлари, шунингдек ишчи ва қишлоқ мухбирларидан иборат кўп сонли армиясини, газетанинг барча авторларини ярим асрлик юбилейи ва Ленин ордени билан мукофотланиши билан, газета ходимлари катта группасининг мукофотланиши билан қизғин табриклашимга рухсат этгайсиз.

Қўш орденли «Известия»га чин қалбимдан ижодий навқиронлик, тугамас большевикча шижоат, Ленин партияси учун, коммунизм ғалабаси учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман!

Шу байрам кунида менга топширилган фахрли вазифа — «Известия» газетасига Ватанимизнинг олий мукофоти — Ленин орденини тақдим этиш вазифасини ғоят мамнун бўлиб бажараётирман.

Н. В. Подгорний «Известия» байроғига юксак мукофотни қадаётганида гулдурос қарсаклар кўтарилади.

«Известия»нинг бош редактори Л. Н. Толкунов «Известия» газетасининг 50 йиллиги тўғрисида» доклад қилди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг «Известия» коллективига табриги ва газетанинг Ленин ордени билан мукофотланганлиги барча совет журналистлари, матбуотимизнинг барча ходимлари ижодий фаолиятига берилган юксак баҳо бўлиб хизмат қилади, деди у. Бу эса, янада яхшироқ меҳнат қилишга, Ленин партиясига, халққа, коммунизмнинг улуғ ишига янада самарали ва фидокорона хизмат қилишга ундайди.

Докладчи йиғилганлар номидан, барча газетчи журналистлар ва босмахона ходимлари номидан партияга, унинг Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига. Совет ҳукуматига совет матбуотини тинмай ривожлантириб бориш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликлари учун чуқур миннатдорчилик билдирди.

Совет мамлакати, деди Л. Н. Толкунов, шонли «олтин юбилей» йилига қадам қўйди — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини байрам қилишга тайёрланяпти. Биз журналистлар бутун планетанинг киёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборган ярим аср воқеаларига назар ташлар эканмиз, Россияни революцион тарзда ўзгартириш учун олиб борилган жангларда бунёдга келган мағбуотимиз ўйнаган роль тўғрисида ҳам фикр юритамиз.

Докладчи большевистик матбуот тарихи устида, совет матбуотининг байроқдори ленинчи «Правда» изидан бориб, коллектив пропагандист, агитатор ва оммаинг ташкилотчиси ролини ўйнаган «Известия» тарихини гапириб берди.

Бош редактор редакциянинг иши ҳақида, журналистларнинг ижодий изланишлари ҳақида, уларнинг ҳар бир совет кишиси учун унинг коммунистик маслаги ва сабот-матонати, унинг маънавий поклиги ва ҳаётда тутган актив позицияси учун қандай курашаётганликлари ҳақида гапирди.

Л. Н. Толкунов сўзининг охирида бундай деди:

Биз известиячилар партия Марказий Комитетининг зиммамизга юклаган юксак масъулиятини англаганимиз ҳолда газетани такомиллаштириш устида, унинг мазмуни ва қиёфасини янада яхшилаш устида, газетхонлар билан алоқаларимизни мустаҳкамлаш устида янада сабот билан меҳнат қиляпмиз ва ўрта ҳол деҳқонларни бойлар таъсиридан қутқариш соҳасида муҳим қадам ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотининг ўтказилиши ва муваффақиятли тамомланиши қишлоқда социалистик ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш чинакам социал-ишлаб чиқариш характеридаги ўзгаришларни амалга ошириш, яъни коллективлаштиришга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтирди.

Ер-сув ислоҳоти коммунистик партиянинг қишлоқда ўтказган буюк сиёсати бўлиб, у деҳқонлар ҳаётида тубли ўзгаришлар ясади. Социалистик қишлоқ хўжалигимиз, колхоз тузумимиз мислсиз катта ғалабаларга эришган экан «бу ҳаммадан олдин ленинчи партиямизнинг меҳнаткаш деҳқонлар тўғрисидаги кўрсатган ва кўрсатаётган буюк ғамхўрлигининг самарасидир.

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ. Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг умумий йиғилиши бўлиб, унда ўтган ишлаб чиқариш йилига якун ясалди. Бу йилги режалар белгилаб олинди. Йиғилишда колхоз сут-товар фермасининг иши алоҳида қайд қилинди. Ферма коллективи 1966 йили 1965 йилга нисбатан 100 тонна кўп сут етиштирган. Суратда: илғор сут соғувчи комсомол аъзоси Ширмонхон Қувватова. У ўзига бириктилган сигирлардан 30 тонна сут соғиб олган.

Г. Бойко фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

Тайёргарлик суст

Қорақалпоғистон область партия комитети хабар қилади: «Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 10 февраль сонида босилган юқоридаги сарлавҳали рейд мақолада Кегайли район хўжаликларида техникани кўнлам экин кампаниясига шайлаш кечиктирилаётгани, шу райондаги Энгельс номли, М. Жуманазаров номли совхозларда бу ишга ҳали қўл урилмагани танқид қилинган эди. Шунингдек Бируний районидаги «Правда», «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозлари, Амударё районидаги «Партия XXII съезди» колхози, Қўнғирот ва Тахтакўпир районларидаги кўпчилик хўжаликларда ҳам техникани экин кампаниясига тайёрлашда суст ишлашлика йўл қўйилаётгани қайд қилинган эди.

Текширишда рейд мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Техникани кўнлам экиш кампаниясига тайёрлаш масаласи область партия комитетининг пленумида муҳокама қилинди. Техника ремонтининг кечикишига йўл қўйган колхоз, совхозлар ва район ташкилотларининг раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилди, улардан йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этиш талаб қилинди. «Ўзсельхозтехника» Қорақалпоғистон Автоном республика бирлашмасига ремонт-техника устахоналарини етарли миқдорда эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, кўчма устахоналар жўнатиш, малакали инженер-механизаторларни жойларга амалий ёрдам кўрсатиш учун юбориш вазифаси топширилди.

Кўчат эк, боғ қил!

СОҲИЛ БОҒЛАРИ

Машҳур соҳибкор Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг юрак сўзларини тўлқинлана-тўлқинлана ўқидик. Табаррук отахон серқуёш республикамиз меҳнаткашларини боғ-роғлар яратишга, коммунистик мўл-кўлчилик дастурхонига қўшадиган ҳиссамизни кўпайтиришга даъват этди.

«Амударё шарбатини эмган тупроқда гавҳар унади» деб бежиз айтишмаган. Хоразм азалдан боғ-роғлар ўлкаси. Ҳазорасп олмаси, Хива узуми, Гурланнинг ширин-шакар қовуни, хуллас она ернинг хилма-хил неъматлари фаровонлик манбаи, саломатлик гаровидир.

Боғдорчилик ва узумчилик равнақ топаётган хўжаликлар бизда кўп. Хазорасп районидаги Нариманов номли колхознинг обод боғлари, хиёбонлари, анвойи гуллар қулф уриб ўсган гулзорлари киши баҳрини очади. Дилга ором бағишлайди.

Янгиариқ районидаги «Правда» колхози олмазорларини келиб кўрган Ризамат ота беҳад шодланган эди. Урганчдаги Ленин номли, Шоҳотдаги Киров номли, Хиводаги Фрунзе номли, Гурландаги «Ленинизм» колхозларида боғдорчилик йилдан йилга ривожланмоқда, сердаромад тармоққа айланмоқда.

Лекин, Хоразм пахтачиликда машъал бўлса ҳам боғ-роғлар яратишда, ободончилик ва кўкламзорлаштиришда ҳали қолоқ эканлигидан кўз юмолмаймиз. Юз минг гектар ерга пахта экадиган областда фақат 4663 гектар боғ ва узумзор бор. Ўтган йили ҳар гектар ердан 13,6 центнердан мева, 37,6 центнер узум олинди. Аҳоли жон бошига атиги 23 килограммдан мева етиштирилди. Бу, истеъмол нормасининг бор-йўғи 14,4 процентини ташкил этади.

Яна бир фактни таҳлил қилиб кўрайлик. Илгари колхозлар боғдорчиликдан даромад олар эди. Ўтган йили эса область хўжаликлари бу тармоқдан 120 минг сўм, узумчиликдан 48 минг сўм зарар кўрди. Бу ачинарли аҳвол — боғларни ва узумзорларни қаровсиз қолдириш, хўжасизлик ва масъулиятсизлик оқибати. Боғдорчиликни рентабелли қилиш тадбирларини амалга ошириш, боғбонлар меҳнатини қадрлаш, енгиллаштириш ва яхшироқ рағбатлантириш пайти келди. Бу хусусда Ризамат ота мурожаатида олдинга сурилган фикрларга тўла қўшиламиз.

Областимизда мева етиштиришни кўпайтириш резервлари катта. Янги боғ ва узумзорлар яратиш учун кўпроқ майдон ажратиш, бунинг учун янги ерларни ўзлаштириш, шунингдек боғ ва узумзорларнинг ҳосилдорлигини кескин ошириш керак. Бизда барча имкониятлар бор. Областимизда кўчат ўтказиш ойлигини ўтказиш, бу ишга кексаю ёш — ҳаммани жалб этишга қарор қилдик.

Кейинги йилларда кўпгина районлараро ва қишлоқ автомобиль йўллари барпо этилди. Бу магистрал йўлларнинг ҳар икки томонига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш, ҳар туп ниҳолни авайлаб ўстириш режаларини ҳам белгилаш керак. Каналлар ва ариқларнинг бўйларини ҳам дарахтзорга айлантирсак ҳайрли ва фойдали иш бўлади. Боғ-бўстонлар гўзал ҳаётимизга жуда ярашади. Эл-юрт чиройига чирой қўшади. Қудратли техника, мўъжизакор фан боғбонлар хизматида, Амударё изимизда. Воҳага яшил либос кийдириш, уни яшартириш фақат ўзимизга, астойдил меҳнатимиз ва ҳиммат имизга боғлиқ. Ҳозир машъал Хоразм ана шу мақсад йўлида катта юриш бошлади. Ризамат ота чақирғига қўшилиб, юбилейга муносиб тўёна тайёрлаймиз. Аму бўйларини боғларга буркаймиз.

К. РАҲИМОВ,
Шоҳот районидаги Киров номли колхоз ранси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

И. ХОЛМУРОДОВ,
Янгиариқ районидаги «Правда» колхози боғбони.

М. ЮСУПОВ,
Гурлан районидаги «Ленинизм» колхозининг Ленин орденли боғбони.

О. ҚУШМОНОВ,
область ўрмон хўжалигининг кекса ишчиси.

А. ЭШМАТОВ,
Урганч тут питомнигининг ходими.

ХУШХАБАРЛАР

Андижон областидаги Чуст, Учқўрғон, Ленин ва Избоскан районларининг хўжаликлари беда сепишга киришдилар. Беда экиш учун суғориладиган энг яхши ерлар ажратилди.

Андижон областидаги колхоз ва совхозлар бедапояларни 3 минг гектардан кўпроқ кенгайтиради. Механизаторлар Бўз ва Зарарё районларида қимматли озуқа экинини янги ўзлаштирилган ерларга сепяптилар. Андижон областида ҳар уч гектар ерга беда сепилди.

●

Мирзачўлдаги 17-совхоз яқинида қишлоқ хўжалик техникумининг тўрт қаватли ўқув корпуси учун пойдевор қўйилди. Техникумда 900 дан ошиқ студент таълим олади. Бу техникум — Қўриқ ерда қурилаётган ана шу профилдаги тўнғич махсус ўқув юртидир. Беш йиллик мобайнида Мирзачўлда педагогика институти, гидромелиоратив ва қурилиш техникумлари, бир неча қишлоқ профессионал-техника билим юртларининг янги бинолари қад кўтаради.

МУХБИРЛАР ЙИҒИЛИШИ

САМАРҚАНД («Совет Ўзбекистони» мухбири). Яқинда Ургут район партия комитети ташаббуси билан ишчи-деҳқон мухбирларининг йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда район партия комитетининг биринчи секретари С. Нарзуллаев «Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллиги ва ишчи-деҳқон мухбирларининг вазифалари ҳақида» доклад қилди.

Докладчи ва нотиқлар районда чиқадиган «Октябрь алангаси» газетаси саҳифаларида ёритилаётган материаллар ҳақида фикр юритдилар.

ҚУРТ БОҚИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Сурхон воҳасида баҳор нафаси кун сайин яққол сезиляпти. Кейинги серёғин кунлардан сўнг бирданига ҳаво исиб кетди. Жанубий районларда ўрик ва бодом гуллаб, тутлар барг ёза бошлади.

Область пиллачилари бу йил 11 минг қути ипак қурти уруғини парвариш қилиб она-Ватанга 530 тонна пилла армуғон қилиш мажбуриятини олишган. Буни эътиборга олган илғор хўжаликларнинг раҳбарлари ипак қурти боқишга ҳозирлик ишларини қизитиб юборишдилар. Жарқўрғон районидаги «Социализм», «Меҳнат-роҳат», «Коммунизм», Термиз районидаги «Намуна», Жданов номли, Шеробод районидаги «Партия XXII съезди» колхозларининг пиллачилари қурт боқиш учун озода ва иссиқ бинолар ажратиб, бригада ва звено бошлиқларини танладилар, сўкчаклар тайёрлашга ва ёқилғи ғамлашга киришдилар.

Бироқ, бу иш кўпчилик хўжаликларда «Ҳали вақт бор» деган баҳона билан пайсалга солинмоқда. Масалан, қурт уруғларини жонлантириш учун областда 80 жойда инкубатория ташкил этилиши керак эди. Аслида эса ҳозиргача бор-йўғи 10 жойда инкубатория очилди.

Сўнгги йилларда кўпчилик колхоз ва совхозларда қурт уруғлари жадал парвариш қилинмоқда. Бу усул ҳар бир қути қурт уруғига камида бир тонна тут барги етиштиришни талаб этади. Демак бу йил областда 11 минг тонна тут барги етиштирилмоғи зарур. Хўш, бу соҳада нима қилиняпти? Очиғини айтганда, ҳеч нарса қилинганги йўқ. Термиз, Шеробод ва Жарқўрғон районларидаги кўпчилик хўжаликларнинг раҳбарлари шаҳарга кўз тикиб, ўзларида мустаҳкам озуқа базаси яратишга ҳаракат қилмаяптилар. Жумладан, колхоз ва совхозларда бу йил 480 минг туп тут кўчати ўтқазиш планлаштирилган бўлса, эндигина 100 минг туп кўчат ўтқазилди. Термиз районидаги Куйбишев номли, «Қизил юлдуз» колхозларининг раҳбарлари эса ҳеч қандай сабабсиз тут кўчатлари экишдан бош тортмоқдалар.

Айрим хўжаликларда эски тутзорларга ҳам эътибор берилмаяпти. Кўпчилик ҳолларда бундай тутзорлар қаровсизликдан яроқсиз ҳолга келмоқда. Тутзорларни парвариш қилиш, суғориш ва ҳашаротга қарши кураш тадбирлари унутиб қўйилмоқда.

Ипак қурти боқишни бошлашга саноқли кунлар қолди. Қуртни ваъда билан боқиб бўлмайди, албатта. Бундан ҳар бир раҳбар жиддий хулоса чиқармоғи даркор.

А. ХАЛИЛОВ.

Сурхондарё областидаги Гагарин номли давлат наслчилик заводида қўзилатиш кампанияси бошланди. Хўжаликда 52 минг бош зотли совлиқлар бор. Қоракўлчилар бу йил ҳар юз совлиқдан 120 тадан қўзи олишга аҳд қилишган. Сиз бу суратда завод селекционери Х. Мингбоев, товароведлардан Г. Мустафоев ҳамда К. Умбаров ўртоқларни қўзиларни ҳисобга олаётган ва бонитировка қилаётган пайтларида кўриб турибсиз.

Х. ИСРОИЛОВ фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЗАФАР САТРЛАРИ

Фарғона область, Бағдод районидаги «Москва» колхози чорвадорлари давлатга 16,1 тонна гўшт, 38,7 тонна серқаймоқ сут етказиб бериб, биринчи квартал планини муддатидан анча олдин бажардилар.

М. Саримсоқов.

●

Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари сут тайёрлаш биринчи квартал планини Денов районида биринчи бўлиб бажардилар. Давлатга пландаги 740 центнер ўрнига 807 центнер серқаймоқ сут етказиб берилди.

Ферма коллективи сут тайёрлаш йиллик планини Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги кунигача бажаришга аҳд қилди.

Р. Бойназаров.

●

Хўжаобод районидаги «Коммунизм» колхози бўрдоқибоқарлари давлатга 85 тонна бўрдоқи гўшти етказиб бериб, ярим йиллик планни бажардилар.

Р. Қодиров.

ИККИНЧИ КВАРТАЛ ҲИСОБИГА

ЯНГИҚЎРҒОН, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Район чорвадорлари давлатга сут сотиш квартал планини Андижон областида биринчи бўлиб бажардилар. Давлатга 650 тоннадан ортиқ сут сотилди. Бу, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 115 тонна кўп.

Юбилей йилини муваффақиятли якунлашга бел боғлаган Ильич номли, «Ўзбекистон», «Ленинизм», «Москва», «Партия XXII съезди» ва «Комсомолобод» колхозларининг чорвадорлари квартал планининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Район чорвадорлари ҳозир иккинчи квартал ҳисобига сут топширмоқдалар.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА, ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН

ЧЎЛ ҚИЗИ

Экспедиция клубининг кенг зали. Коммунистларнинг умумий йиғилиши бўляпти. Биринчи масала — партияга қабул қилиш. Президиум столи ёнида ўрта бўйли, мовий кўзли аёл. У нимадандир тортинади, ўтирганларга иймалиб қарайди.

— Ўртоқ Мушелевага қандай саволлар бор, — залдагиларга мурожаат этди раислик қилувчи.

— Таржимаи ҳолини қисқача айтиб бersин, — таклиф тушди.

Таржимаи ҳол. Унинг қайси бир саҳифасини ҳикоя қилиб берса экан. Эсини танибдики, чўл кезади. Қум уюмлари, ўркачсимон барханлар, шамол кучига дош беролмай силкинаётган кекса саксовуллар, сўнгра портлашлар... Анастасия қарийб чорак асрдан бери чўлнинг сирли сўқмоқларидан қадам ташлайди, кимсасиз биёбоннинг қонунларини ўрганади, излайди, қидиради.

Улуғ Ватан уруши бошланганда у 15 ёшда эди. Эркаклар жангга кетди, хотин-қизлар зиммасига оғир вазифа тушди. Фронтга мадад бериш учун ишлаш керак. Анастасия қишлоқ яқинидаги пармалаш конторасига борди, шундай қилиб унинг тақдири ер ости бойликларини қидирувчилар тақдири билан боғланиб кетди. Қозоғистон яйловларини, Петропавловский чўлларини кезиб чиқди, пармаловчига ёрдамчи бўлиб ишлади. Тақдир уни қуёшли Ўзбекистонга олиб келди. Экспедиция коллективи билан Фарғона водийси, Чортоқ тоғларида қудуқлар пармаладн. 1958 йилдан бери у қарши чўли бағрига парма қадаб, унинг бойликларини ер юзасига чиқаряпти.

Косон нефть-газ қидирув экспедициясининг мастери Анастасия Герасимовнанинг ҳаётида қувончли воқеа рўй берди: у пармалаётган қудуқдан газ фонтани кўкка кўтарилди. Анастасиянинг ғайратига-ғайрат қўшилди. Шу майдондаги 4-қудуқдан ҳам нефть булоғи қайнаб чиқди, кейинчалик Муборак, Култоғ ва бошқа майдонлардан нефть ва газ конлари топилди. Буларнинг ҳаммаси Анастасия Герасимовнанинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Анастасия Герасимовна ҳамиша изланади. Мана бир мисол. Яқин-яқинларгача синов ишлари қисилган ҳаво ёрдами билан олиб борилади. Бунда қудуқлардан қора балчиқ чиқиб вақтни оларди. Анастасия кўп вақтлардан бери ана шу операцияни тезлаштириш ҳақида бош қотирар, одамлар билан маслаҳатлашиб, уларнинг фикрларини билишга уринарди. Бир куни у участка бошлиғи Николай Матвеевскийнинг ҳузурига борди.

— Биз синаб кўрадиган қудуқлар ёнида артезиан қудуқлар ҳам бор. Уларнинг сувидан ҳаво ўрнига фойдалансак қандай бўларкин?

Таклиф синаб кўрилди. Қудуққа қисилган ҳаво ўрнига газ аралаштирилган сув босим орқали юборилди. Пастдан алқандай товуш, увуллаш эшитилди. Ҳамма ҳаяжонда. Худди ўйлагандек бўлиб чиқди. Балчиқ ўрнига тоза газ отилиб чиқа бошлади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам Косон нефтчилари бу аёлни ҳурмат қилишади. У касаба союз маҳаллий комитети аъзоси сифатида хотин-қизлар орасида тарбиявий ишлар олиб боради. Агитатор сифатида узоқ участкалардаги ишчиларни янгиликлардан мунтазам хабардор қилиб туради.

Анастасия Мушелеванинг кўп йиллик меҳнат фаолиятини давлатимиз юқори баҳолади. Яқинда у юксак мукофот — Ленин ордени билан тақдирланди.

Чўл бўронларида чиниққан Анастасия Герасимовна бугун коммунист, партия йиғилиши шу ҳақда қарор қабул қилди.

Р. УРОҚОВ.

ТОҒЛИК—ЎРТАТЎҚАЙ УЛҒАЙЯПТИ

Тоғлардаги Косонсой ва Олабуқасой суви Чотқол тизма тоғларининг жанубий ёнбағирларида ясланиб ётган жуда катта Ўртатўқай сув омбори табиий ҳовузига томон оқа бошлади. Урушдан кейинги йилларда қурилган сув омбори «Таржимаий ҳолига» янги бир саҳифа қўшилди. Эндиликда сунъий денгиз сизми катталаштирилади. Қурувчилар тош тўғонни катталаштирдилар. Тўғон яна 10 метр кўтарилди. Сув чиқариладиган новлар реконструкция қилинди.

Ўртатўқайда баҳор тошқини сувларининг дастлабки бир миллион кубометри тўпланди, ёзга бориб ғўза суғориш авж олганда омбор 165 миллион кубометр сувни — ўтган йилдагидан анча кўп сувни қабул қила олади.

Иккинчи бир сунъий денгиз — Каттақўрғон сув омборини ҳам реконструкция қилиш тугаяпти, барча ишлар бажариб бўлинганидан кейин, унга 900 миллион кубометр сув сиғадиган бўлади. (ЎзТАГ).

ЭПИЦЕНТР—БЎКА ЯҚИНИДА

14 март, эрта тонг кўпгина тошкентликларнинг уйқусини бузган зилзила эпицентри Ўзбекистон пойтахтидан тахминан 50 километр жанубда. Маҳаллий вақт билан соат 3-59 минутда Тошкент марказий сейсмик станцияси қайд этган тупроқ силкиниши шаҳарнинг турли районларида 3-4 балл кучда сезилди. Станциядан хабар беришларича, эпицентр Бўка қишлоғидан 10 километр чамаси масофада бўлган. Дастлабки маълумотларга кўра, бу ерда гулдураш билан бўлган ер ости силкинишининг кучи 5 баллдан ошган.

(ЎзТАГ).

Кишиларимиз фазилати

ВАФОДОРЛАР

ЛАВҲА

Қизилқум... Қаёққа қарасангиз — бир хил зерикарли манзара. Жазирама қуёшда қовжираган гиёҳлар. Отлар туёғини ерга босишга безиллайди. Чавандозларнинг елкасидаги милтиқлар шарақлаб кетади.

Отряд охирги жангларда сийраклашиб қолди. Озиқ-овқат ҳам тугаган. Сув танқис. Босмачилар чекинаётганда қудуқларни кўмиб кетишибди. Охирги умид туяларда; уларга сув солинган меш ортилган. Қорамагиз йигит отидан тушиб, бир ҳовуч тош териб келди. Биттасини ёнида отдан тушмай турган кўҳликкина жувонга узатди:

— Сен ҳам шимиб юр, Маҳбуба,— деди кулиб.— Чанқоқни босади,— у аскар кийими ярашган жувонга завқ билан боқарди. — Шундай қилмасак, бир чўмич сув уч кунга етмайди. От устида сал тебраниб боришар экан, иккаласи ўтган дамларни эслашарди...

Отаси Жумабой Мирзачўлда арман савдогари Макаров қўлида чорикорлик қилаётганда Расулжон оқ-қорани таниб қолган, йигирма ёшлардаги йигит эди. Бир куни станция томондан гала-говур эшитилиб қолди. Расулжон чопиб борса, станция олдидаги майдон одамлар билан тўлиб кетибди. Отаси, акаси ҳам шу ерда экан. Кимдир тўнтарилган яшик устига чиқиб, қўлини пахса қилиб гапиряпти:

— Савдогар ҳаддан ташқари ноинсофлик қиляпти. Чорикорлар ўзлари дон етиштириб, уйда нонсиз ўтиради. Гавриленко бўлса минтга чорикорнинг нонини ейди. Ўз еримизда ўзимизни талайди... Бўшлиқ қилсак ўла-ўлгунча бўйинтуруқдан бўшамаймиз...

Оломонга бу сўзлар таъсир қилди. Бошқа ишчилар, қароллар ҳам бирин-кетин ўртага чиқиб, халойиқни қизил аскарларга ёрдам беришга чақиришди.

Расулжон хўжайиндан қутилишнинг йўлини қидириб юрган эди. Бунинг устига у маҳалласидаги бир деҳқоннинг қизига ошиқ бўлиб қолган. Чамаси қизнинг ҳам кўнгли бор. Расулжонга шундай туюлади. Отаси қариялар билан совчиликка бориб кўрди. Лекин, Маҳбубанинг отаси қанчадан-қанча қўй-мол, дон-дун сўрабди. Камбағал буларни қаёқдан топади? Жумабой ака совчиликдан фигони чиқиб қайтган эди.

Шундай пайтда Расулжон станциядаги йиғилишдан руҳланиб кетди. Кўнглига дадил бир фикр келди-ю, лекин уни рўёбга чиқариш қийин эди. Қани энди Маҳбуба ҳам журъат қилиб, қизил аскарликка ёзилса...

У шом пайтида қудуқ бўйига бориб, Маҳбубасининг сувга чиқишини пойлади. Кутиш дамлари қанчалик узоқ туюлса, висол онлари шу қадар тез, кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Лекин, шу учрашувда йигитнинг оромини бузиб, уни қийнаётган саволлар ўртага тушди.

Маҳбуба отасини сира ташлаб кетгиси келмасди. Айни вақтда у Расулжонга меҳр қўйганлиги, бошқага теккунча ўлимни афзал кўриши аён бўлди. Қизнинг «ҳайтовур уриниб кўраман» деган бир оғиз гапи Расулжонга олам-олам умид бахш этди...

Станцияда қизил аскарлар тушган поезд «пишқириб», кетишга чоғланарди. Расулжон билан Мансуржон ўқ-дори, озиқ-овқат солинган яшикларни вагонга ташиб чиқаришаётган эди. Иккаласи безовталаниб, кўча томонга қараб-қараб қўйишади. Расулжоннинг юраги ҳовриқиб, ҳаяжонини яширолмади. Маҳбубадан ҳамон дарак йўқ. Келармикин? Келмаса-я...

Паровоз узун пув-пувлагандан сўнг, бир силкиниб, жойидан қўзғолди. Шу пайт вагон зинасига ёпқ қўйган Расулжон эшик дастасини ушлаганча орқага қараб, рангига қон югурди; не кўз билан кўрсинки, сочлари тўзиб, қизил дуррасини қўлида ҳилпиратганча Маҳбуба чопиб келарди...

Қизил аскарлар поездини Булунғур станциясида пулемёт ўқлари билан қарши олдилар. Инглиз офицерлари қўл остидаги оқгвардиячилар большевикларга жонжаҳди билан қаршилик кўрсатишди. Биринчи жангда яхши қуролланган Қизил аскарлар анча талафот беришди. Лекин улар Самарқанддан етиб келган кучлар ёрдами билан оқгвардиячиларни Булунғурдан қувиб чиқаришди. Қизилларга ҳам бу галаба қимматга тушди. Темир йўл ёқаларида жуда кўп қизил аскарларнинг жасадлари қолиб кетди. Ярадорларнинг ҳам саноғи йўқ, ҳамширалик қилаётган Маҳбубага иш кўпайди. У ўқ ёмғиридан ҳайиқмай, жуда кўп аскарларни жанг майдонидан олиб чиқди. Илгари қиз отрядга фақат севикли кишиси учун келгандай ҳис қиларди ўзини. Энди ёр меҳри, эл-юрт меҳри билан қўшилиб, Маҳбубанинг кучига-куч қўшарди...

Кўп ўтмай полк қишлоқда дам олаётган кунлардан бирида Расулжон билан Маҳбубанинг тўйи бўлди. Командир ва унинг ёрдамчиси Ш. Шчеголов, взвод командири Осиповлар ёшларнинг тўйига бир неча қўй, дон-дун топиб беришди. Бу жангчилар ҳаётида, гражданлар уруши фронтида биринчи тўй эди. Келин-куёвнинг сафдошлари, ҳамқишлоқлари Абдуқодир, Алимбек, Қодирохунлар жангчи келин-куёвларнинг садоқати, вафодорлиги ҳақида гапиришди...

Шу хотираларга гарқ бўлган Расулжон шу тобда Қизилқум чўлларида вафодори билан ёнма-ён кетаётганлигидан севинарди...

Полк Казалинский шаҳрида умумий йиғилиш ўтказди. Шу ерда, штаб қарорига кўра полк иккі қисмга бўлинди. Жангчиларнинг ярми интервентлар кетидан қувиб кетишди. Қолганлари босмачиларга қарши жанг қилиш учун Фарғона водийсига йўл олишди. Расулжон билан Маҳбуба ҳам Фарғона қишлоқларида, Андижонда Холхўжа Эшон, катта ва кичик Эргаш кўрбоши тўдаларига қарши жанг қилишди.

Босмачилар эскича одатдан воз кечган ҳар кимсани шафқатсиз жазолашарди. Ўш тоғларида босмачилар бир йигитни русча кўйлак кийгани учун дарахтга осиб кетишибди. Қонли жангларда чиниқиб қолган Расулжон билан Маҳбуба ёш йигитнинг изгирида музлаган танасини кўриб титраб кетишди. Босмачиларни янада газаб билан қувиб, жар ёқасига қисиб боришди. Шу пайт чўқиндан қор кўчиб, 900 босмачи отлари, қуроллари билан даҳшатли кўчки тагида қолиб кетишди.

Биринчи Тошкент ҳужумчи қизил гвардиячилар полки сафида Расулжон билан Маҳбуба биргаликда Каттақўрғон, Марв, Карки, Байрамали, Ашхобод, Оренбургда душманлар билан юзма-юз жанг қилишди. Оловли йилларнинг шодлик ва машаққатларини биргаликда баҳам кўришди.

Казарма, эшелонлар, жанг-жадал йиллари ортда қолди. Ҳозир Расулжон ака 10 фарзанднинг отаси. У кўп йиллар темир йўлда ишлаб, пенсияга чиққан. Вафодори Маҳбуба опа кўп йиллардан буён Тошкент шаҳар Советига депутатликка сайланиб, халқ маорифи инспектори бўлиб келди.

Революция зафарларини, Советлар ҳокимиятини жангларда садоқат билан ҳимоя қилган Расулжон ака ва Маҳбуба опа фарзандларини ҳам ҳаётни, меҳнат ва илмни қадрлашга ўргатди. Кекса авлоднинг фидокорлиги билан юзага келган осойишта ҳаётда фарзандлар камол топиб, орзуларига етишяпти. Катта қизлари Манзура моҳир врач, ундан кичиги Замира ҳуқуқшунос олима бўлиб етишган. Уларнинг сингиллари Мағлуба тўқимачилик институтида, укаси Ҳамид темир йўл инженерлари институтида таълим олишяпти. Юлдуз, Карим, Абдуманноблар ҳам қўнгилларига ёққан ҳунарни ўрганиб, ҳалол меҳнат қилишяпти.

Вафодор ота-она қуёвлари — фан доктори И. Султонов, моҳир хирург, подполковник Ниёзовларни ҳам фарзандлари қатори суйиб, уларнинг илм-фандаги ютуқлари билан фахрланишади. Бахтиёр ота-она бу келин-куёвларнинг аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги, вафодорлигини кўриб, беихтиёр ўзларининг жўшқин, оловли ёшлик йилларини кўз олдиларига келтиришади.

Маҳкам МАҲМУДОВ.

Ўзбекистон пойтахти яна бир гўзал бино билан бойиди. Тошкентда радио уйи биноси қад кўтарди. Суратда: радио уйи биноси.

И. Глауберзон фотоси.

◆ *Франция коммунистларининг ғалабаси*

◆ Курашаётган Вьетнам халқи билан бирдамлик ҳафталиги давом этмоқда

◆ Конго (Киншаса) трибуналининг қарори

Планетамизда

«ЯПОНИЯ — СССР» ЖАМИЯТИНИНГ СЪЕЗДИ

ТОКИО. (ТАСС). Япониядаги энг оммавий ташкилотлардан бири—совет халқи билан дўст бўлиб яшашни ёқлаб чиқаётган ташкилотлардан бири — Япония—СССР жамиятининг бу ерда ўтказилган навбатдаги съезди ўз ишини тамомлади.

Съезд қатнашчилари «Япония—СССР» жамиятининг ўтган йилги ишларига якун ясадилар ва 1967 йилги вазифаларини белгилаб олдилар.

Съездда чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа жамиятлари союзи ҳамда «СССР—Япония» жамиятининг делегациялари иштирок этди.

Совет делегацияси В. И. Ленин бюстини съездга тухфа қилди.

ФРАНЦИЯДА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

ПАРИЖ, (ТАСС). Миллат мажлисидаги 486 ўринниг тақсимланиши тўғрисида бу ерда эълон қилинган маълумотларга кўра, Франция Компартияси парламентдаги ўз вакилларининг сонини қариб икки баравар кўпайтирди, яъни 73 ўринни олди. Демократик федерация ва социалистик сўл кучлар 116 ўринни олишга муваффақ бўлдилар. Ҳукмрон ЮНР—ЮДТ партияси парламентда 20 дан ортиқ ўринни бой берган ҳолда 244 мандатга эга бўлди.

Сўнгги икки округда — Корсика ва Полинезияда ўтказилган сайловларнинг натижалари кейинчалик, яъни Корсикада полиция билан бўлиб ўтган тўқнашувлар оқибатида келиб чиққан тартибсизлар текшириб бўлингач, Полинезияда эса, келгуси якшанба куни, яъни у ерда сайлов ўтказилгач маълум бўлади.

СОВЕТ—ЭРОН БИТИМИ

ТЕҲРОН, 13 март. (ТАСС). Бугун Эрон қишлоқ хўжалик министрлигида қаровсиз қолган чорва моллар давлат чегарасидан ўтишининг олдини олиш тадбирлари тўғрисида Совет Иттифоқи билан Эрон ўртасида протокол имзоланди. Икки қўшни мамлакат ўртасида тузилган бу битим чегара районларидаги ҳайвонлар касалланишининг олдини олишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Сальвадор меҳнаткашларининг норозилиги

ГАВАНА. (ТАСС). Сальвадор Бирлашган касаба союз федерацияси федерация бош секретари Хулио Сесара Кастронинг қонунга ҳилоф суратда қамоққа олинганлигига қарши кескин норозилик билдирмоқда.

Федерациянинг чақириғига биноан бу ерда кўп кишилик митинг бўлиб ўтди, деб хабар беради Пренса Латина агентлигининг мухбири Сан-Сальвадордан. Митингда сўзга чиққан нотиқлар касаба союз раҳбарини қамоққа олганлиги учун ҳукуматни кескин қоралашдилар.

Бирлашган касаба союз федерацияси маъмурларга мурожаат қилиб, Сесара Кастрони дарҳол озод қилишни талаб этди.

Ҳиндистоннинг янги ҳукумати

ДЕҲЛИ, 13 март. (ТАСС). Бугун Индира Ганди Ҳиндистоннинг бош министри сифатида қасамёд қилди. Сўнгра бош министр ўринбосари Мораржи Десай (у молия министри лавозимини ҳам эгаллайди) ҳамда Ҳиндистон янги ҳукуматининг қолган 17 министри қасамёд қилдилар.

Янги кабинетнинг 19 аъзосидан 16 киши аввалги ҳукумат составига кирган эди. Ички ишлар министри Я. Б. Чаван, мудофаа министри Сваран Сингх, ташқи ишлар министри М. Чагла ва планлаштириш министри Ашока Мехта ўз лавозимларини сақлаб қолдилар. Ташқи ишлар министрлигидаги давлат министри Динеш Сингх савдо министри бўлди.

Сайловда мағлубиятга учраган собиқ транспорт, авиация, кема қатнови ва туризм министри Санжива Редди билан собиқ темир йўл транспорти министри С. К. Патил ҳукуматнинг янги составига киргани қолдилар.



АФҒОНИСТОН пойтахти Қобулда Совет Иттифоқи ёрдами билан иккита микрорайон қурилмоқда. Кечагина қаҳр аб ётган чўл ўрнида 800 квартирали 22 та уй-жой, мактаблар, болалар боғчалари, магазинлар ва кафелар қад кўтаради. Суратда: янги уй-жой лар.

А. Стужин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).



КУВВАТИ 220 киловольт бўлган янги Бойчиновци (Болгария) — Крайова (Румния) электр ўтказгич линияси бу йил фойдаланишга топширилади. Шундай қилиб, марказий диспетчерлик бошқармаси иштирокчилари бўлган социалистик мамлакатлар — Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Румния, Совет Иттифоқи ва Чехословакияни бир-бириг боғлайдиган барча энергетика системаларининг ягона линияга уланиши тугалланади. Суратда: Бойчиновцидаги под станция. Бу ердан Халқ Болгариясининг шаҳар ва қишлоқларига электр қуввати юборилади.

БТА—ТАСС фотоси.

ҲАРБИЙЛАР ҚАМОҚДАН ОЗОД ҚИЛИНДИ

ЛАГОС. (ТАСС). Хабардор доираларда маълум бўлишича, 1966 йилнинг январида бўлиб ўтган тўнтариш вақтида муҳим роль ўйнаган майор Ч. Нзегву қамоқдан озод қилинди. Бу тўнтариш натижасида ҳокимият ҳарбийлар қўлига ўтган эди. Олинган хабарларга кўра, Шарқий Нигериядаги ҳар хил турмаларда ётган 14 офицер ҳам қамоқдан бўшатилди.

11 мартда Нигерия ҳарбий ҳукуматининг бошлиғи Я. Говон ўтган йили қамоққа олинган 41 ҳарбийни озод қилди. 1967 йил январда Нигерия ҳарбий рахбарларининг Абури (Гана)да бўлиб ўтган учрашувида қамоққа олинган ҳарбийларни озод қилиш масаласи муҳокама қилинган эди.

Нигерия федерал ҳарбий ҳукумати 1966 йил январь ойида бўлиб ўтган тўнтаришнинг асосий қатнашчиларини озод қилмаганлигини ва уларни озод қилиш тўғрисида ҳеч кимга ҳеч қандай кўрсатма бермаганлигини эълон қилди.

Бу баёнот Шарқий Нигерия маъмурлари январь ойида бўлиб ўтган тўнтаришнинг асосий қатнашчиларидан бир нечтасини, жумладан майор Ч. Нзегвуни қамоқдан озод қилганликлари муносабати билан эълон қилинди. (ТАСС).

У ТАН МУРОЖААТИ

НЬЮ-ЙОРК, 13 март. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари У Тан Жанубий Африка Республикаси ҳукуматини ўз сиёсий маҳбуслари билан «маданий дунёда қабул қилинган инсоний ҳуқуқ ва практика нормаларига» мувофиқ муомалада бўлишга чақирган.

БМТ Бош секретари Жанубий Африка Республикаси ташқи ишлар министри Хильгард Мюллерга мактуб юборибди. БМТнинг Женевадаги инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи комиссияси қабул қилган резолюция текстини ҳам мактубга илова қилган ва Жанубий Африка Республикасидаги сиёсий маҳбусларнинг аҳволи хусусида комиссия номидан «чуқур ташвиш» изҳор қилган.

ЧОМБЕГА ЎЛИМ ЖАЗОСИ

БРАЗЗАВИЛЬ, 13 март. (ТАСС). Конго (Киншаса) Республикасининг махсус ҳарбий трибунали мамлакатнинг собиқ бош министри Моиз Чомбени давлатга ҳиёнат қилганлиги учун бугун сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилди. Трибунал Моиз Чомбега қарашли бутун мол-мулкни мусодара қилиш тўғрисида ҳам қарор чиқарди.

Чомбе паноҳ топган Европадан Киншасага келишдан бош тортди.

Министрлар сайланмай қолдилар

ПАРИЖ, 13 март. (ТАСС). Франция Миллат мажлисига сайловнинг иккинчи даврасида де Голль ҳукуматининг тўрт министри мағлубиятга учради. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, бунар — ташқи ишлар министри Морис Кув де Мюрвиль, қуролли кучлар министри Пьер Месмер, собиқ фронтчилар ва уруш қурбонлари ишлари министри Александр Санчинетти ва ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи министр — Жан Шарбонеллардир.

Н. А. ЧЕРНИКОВ

А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг проректори, 1924 йилдан бери КПСС аъзоси Николай Андреевич Черников фожиали равишда ҳалок бўлди.

Ўз меҳнат фаолиятини жуда эрта бошлаган Н. А. Черников 1922 йили Арис район комсомол комитетининг секретари бўлиб, кейинчалик эса темир йўл хизматчиси, Жамбул маданият бўлимининг мудири, паровоз машинистининг ёрдамчиси вазифаларида ишлади, 1933 йилдан бошлаб у касаба союз, 1940 йилдан эса партия ишига ўтади.

1948 йилда Николай Андреевич Тошкент темир йўл бўлими сиёсий бўлимининг бошлиги бўлиб ишлайди. 1950—1957 йиллар орасида Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг биринчи секретари вазифасита узлуксиз сайланиб келади. 1957 йилдан 1963 йилгача Н. А. Черников «Ташгоргаз» трестининг бошқарувчиси, «Союзреактив» республикаларо конторасининг бошқарувчиси, «Узгипросельстрой» лойиҳалаш институтининг директор ўринбосари бўлиб ишлади. 1965 йилдан бошлаб ўртоқ Черников республика аҳамиятига эга бўлган шахсий пенсионер эди.

1966 йилдан то умрининг охирига қадар у Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида ишлаб келди.

Николай Андреевич қайси бир соҳада ишламасин, у ўзининг меҳнатсеварлиги, кишиларга ғамхўрлиги, камтарлиги билан ҳурмат ва эътибор қозонган.

Самарали меҳнатлари учун Н. А. Черников СССР орденлари ва медаллари билан, республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди.

Ажойиб ўртоқ ва дўст Николай Андреевич Черниковнинг ёркин хотираси уни билганлар қалбида узоқ вақт сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — Эшитиришлар программаси, 18.00 — Телевизион янгиликлар, 18.15 — Қўғирчоқ фильм (болалар учун), 18.35 — Сенинг тенгдошларинг (мактаб ўқувчилари учун), 19.00 — 4 миллион пахта—юбилей йилининг марраси, 19.20 — Неъматжон Қулабдуллаев куйлайди. 20.15 — Телевизион янгиликлар (рус тилида). 20.25 — Эртаги кун программаси. 20.30 дан—Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — Эшитиришлар программаси, 18.00 — Уқувчи календари, 18.30 — Сеҳрланган бола (мультфильм), 19.10 —Телевизион янгиликлар, 19.20 — Эстония ССР академик эрлар хори оркестрининг концери, 19.45 — Қисқа саргузаштлар.

Ўзбек тилида: 20.30 — Мустаҳкамлик ҳақида сўзлашамиз (илмий-оммабоп фильм), 20.50 — Телевизион янгиликлар, 21.00 — Спартакиада кундалиги, 21.25 — Инсон қиёфасини ўзгартиради (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/III да Лайли ва Мажнун, 16/III да Севилья сартароши.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/III да Улимдан кучли, 16/III да Алишер Навоий.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 16/III да Хоразм ансамблининг концертлари.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/III да Ёшлинда берган кўнгил 16/III да Угия уйлантириш.

КИНО

Тепамиздаги осмон — «МОСКВА», НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (1-залда тоқ соатларда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 5 ярим, 7 ярим ва 9-15 минутда).

Асов қирғоқда — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», СОВИР РАҲИМОВ номли, «ВОСТОК», «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ярим ва кеч 7 да), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 11 ярим ва кундуз 2 яримда).

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ мактаб ўқувчилари баҳорги дам олиш кунидаги РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

25/III—Оқ кабутар,
26/III — Парвона,
28/III — Вероналик икки йигит,
29/III — Оқ кабутар,
30/III — Алишер Навоий,
31/III — Вероналик икки йигит.

Кундуз соат 12 да бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади. Касса ҳар куни эрталаб соат 10 дан очиқ.

УРУШ ВА ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ ЭКОНОМИКАСИ

Америка империализми Жанубий Вьетнамда экспансионистик сиёсат юргизга бориб, уни иқтисодий, молиявий ва ҳарбий қарамлик гирдобига тушириб қўйди. Американинг Жанубий Вьетнамга туширилган қудратли ҳарбий машинаси енга олмаслиги ва Вьетнам халқи ҳеч қачон енгилмаслиги сабабли АҚШ Жанубий Вьетнамга тобора янги қўшин ва техника жўнатишни давом эттирмоқда.

Америка қўшинларини Жанубий Вьетнамга оммавий равишда келтириш натижасида Америка агрессорлари ва уларнинг бу мамлакатдаги малайларининг иқтисодий ва молиявий қийинчиликлари тобора ўсиб бормоқда. Шу билан биргаликда инфляция ва озиқ-овқат етишмаслиги кун тартибида биринчи ўринда турибди. Буларнинг оқибатида узоғи билан бир йил ичидаёқ нархнаво икки баравар ва ҳатто уч баравар ошиб кетди, меҳнаткашларнинг турмуши эса тобора қийинлашмоқда, олиб сотарлик ва ўғирлик авжига чиқмоқда. 1965 ва 1966 йилларда муомаладаги қоғоз пуллар миқдори икки баравардан знёдроқ (27 миллиарддан 57 миллиард пиастрга) кўпайди. Инфляцияга келганда шуни айтиш мумкинки, 1966 йилда у тахминан 40 миллиард пиастр, яъни Вьетнамнинг Америка агрессиясигача бўлган бюджетидан ҳам деярли 3 баравар кўпроқ маблағни ташкил этди.

Юнайтед Пресс Интернэшнл агентлигининг Сайгондаги мухбири ёзганидек, инфляция ўзини турли томондан кўрсатмоқда... Сайгонлик уй бекаси бозордан икки қўлини қўлтиғига артиб келади ва уйдагиларга доим қуйидагича гапиради: «Ҳамма нарса шунчалик қимматки, ҳеч қандай нарса олиб бўлмайди». Давлат хизматчиси кечалари моторолларда Сайгон кўчалари бўйлаб санқиб юради ва американликларни олиб бориб қўйиш билан шуғулланади. Бунингсиз биргина иш ҳақи билан оила тебратиш амри маҳол. Вьетнамлик полковникнинг айтиш Америка қурилиш фирмасига «секретарь бўлиб ишга жойлашади ва эрига қараганда кўпроқ иш ҳақи олади».

Хўш, американлик мухбир аҳволни шунчалик тасвирлаган экан, ҳақиқий аҳвол қандай?

Инфляциядан Жанубий Вьетнам меҳнаткашлари азоб чекмоқдалар. Иш ҳақининг оширилиши (американликлар ва уларнинг Жанубий Вьетнамдаги қўғирчоқлари вақти-вақти билан шундай қилиб туришга ҳам мажбур бўлмоқдалар) нарх-навонинг мисли кўрилмаган даражада ошиб боришига тенглашиб улгурмайди. Жанубий Вьетнам деҳқонлари натура хўжалиги юрита бошладилар. Улар ўзларининг жуда ҳам оч-ялангоч оиласини боқиш учун нимани зарур бўлса ўз қўллари билан етиштиришга уринадилар. Деҳқонларга кўплаб пул берилади деб айтилган ва бир неча марта ёзилган, довруги оламга кетган программа қоғозда қолиб кетди.

Жанубий Вьетнамда гарчанд деҳқонларнинг ҳосилидан 25 процентдан ортиғини олиш тақиқланган бўлишига қарамай, деҳқонлар помешчиклларга ўзлари етиштирган бутун ҳосилнинг ярмини ва ҳатто ундан ҳам кўпроғини беришга мажбур бўлмоқдалар.

Жанубий Вьетнамга Қўшма Штатлардан жуда кўп юк келтириб турилади. Интервенциячилар қўшинларининг қуроляроқ ва асбоб-анжомларга бўлган талаби жуда тезлик билан ўсиб кетаётганини американлик мутахассислар фақат эскалация эмас, балки бу юкларнинг 20 процентдан 50 процентгача қисми ўғирлаб кетиладаётгани ёки партизанларнинг қўлига тушиб қолаётгани билан изоҳлашга уринадилар. Агар 1965 йилнинг бошида АҚШдан Жанубий Вьетнамга ой сайин 100 минг тонна юк жўнатиб турилган бўлса, ўша йилнинг декабрь ойида 1 миллион тонна юк жўнатилди. 1966 йилда ҳар ойда жўнатилган юкларнинг ўртача миқдори 1,5 миллион тоннадан ҳам ошиб кетди. Ракета техникаси ва авиация ҳамда флот учун мўлжалланган асбоб-ускуналарнинг айрим турларини ҳисобга олмаганда АҚШда ишлаб чиқарилаётган ҳарбий маҳсулотнинг кўп қисми Вьетнамга жўнатилмоқда.

Долларнинг қадр-қиммати тобора пасайиб кетяпти. Жонсоннинг молиявий маслаҳатчилари ҳозир олтиннинг унцияси 70 долларни ташкил этишини тан оладилар (президент Франклин Рузвельт эса олтиннинг унциясини 35 доллар миқдорида белгилаган эди). Шу билан бирга Американинг олтин запаслари ҳозир 13 миллиард доллардан сал ортиқдир. Айрим мамлакатлар — Халқаро валюта фондининг қатнашчилари халқаро тўловларда олтин бирдан-бир восита бўлишини, Франция эса ўзида мавжуд бўлган бир неча юз миллион қоғоз долларни Қўшма Штатлар олтинга алмаштириб беришини талаб қилмоқда.

Ана шундай жиддий молиявий қийинчиликлар вужудга келган бир пайтда, 1966 йил февраль ойида Жонсон шошилинч равишда Гонолулуга жўнаб кетди. У бу ерда Сайгон тўдасининг бошлиғи Тхиеу Кидан Жанубий Вьетнамда пиастрнинг янги қимматини белгилаш, яъни бир долларга 60 эмас, балки 118 пиастр тўғри келадиган даражада тасдиқлашни талаб этди.

Ана шундай талон-торожлик Жанубий Вьетнамда инфляциянинг ўсишига олиб келди. Шунинг учун ҳам Қўшма Штатлар ва уларнинг малайлари урушни тобора кенгайтириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Инфляциядан ташқари озиқ-овқатнинг етишмаётганлиги ҳам американликлар ва уларнинг Сайгондаги қўғирчоқлари учун жуда катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Американликлар ва жанубий вьетнамлик қўғирчоқлар контроли остидаги районлар асосан шаҳарлар ва катта йўллардан иборат бўлиб, кўп йиллик урушдан сўнг аҳолини таъминлашга қодир қишлоқ хўжалигидан ажралиб қолган.

Бундан ташқари Америка армияси ва ёлланма қўшинлар аҳоли ихтиёридаги барча заҳирадаги озиқ-овқат маҳсулотларини, шу жумладан шоли, сабзавот, гўшт, тухум, шунингдек транспорт ва алоқа воситаларини тортиб олдилар. 1966 йилнинг охирига келиб давлатнинг шоли запаси бор-йўғи 50 минг тоннага тушиб қолди. Бу миқдордаги шоли ҳатто бир ойга ҳам етмайди (Жанубий Вьетнамнинг американликлар ва уларнинг ёлланма қўшинлари назоратидаги жойларида атиги 4 миллион киши яшайди).

Американликлар армия ва очликдан қирилиб кетаётган аҳолини қандай бўлмасин таъминлаш мақсадида бу ерга кўпроқ шоли келтиришга мажбур бўлмоқдалар. 1965 йили Американдан Жанубий Вьетнамга 130 минг тонна, 1966 йилда 435 минг тонна шоли келтирилди. Бу йил Жанубий Вьетнамга келтириладиган Америка шолисининг миқдори тахминан ўтган йилдагидек бўлиши кутилмоқда.

Бир вақтлар, яъни бундан 15 йил муқаддам Жанубий Вьетнам ҳар йили чет мамлакатларга бир ярим миллион тонна шоли сотиб келарди. Ҳозир Вьетнамда шолининг нархи бундан бир йил олдингига караганда икки баравар ортиқдир.

Америка империалистларининг Вьетнамга қарши уруши Жанубий Вьетнам аҳолиси учун чидаб бўлмас даражада қашшоқлик ва жабр-зулм келтирибгина қолмай, Вьетнам Демократик Республикаси территориясига ҳам ғам-ғусса ва қон олиб кирди.

Қўшма Штатлар жиддий молиявий қийинчиликлардан ташвишга тушмоқда. Вьетнамдаги урушнинг кенгайтирилаётганлиги сабабли Қўшма Штатларнинг Вьетнамга мўлжалланган ҳарбий бюджети 30 миллиард долларга етди, яъни бутун Америка ҳарбий бюджетининг 40 процентини ташкил этади. Бу ҳам камлик қилаётгандек Қўшма Штатлар бу маблағга 1967 йили яна 10-15 миллиард доллар қўшиш ниятидадир.

Америка империалистларининг Вьетнам халқига нисбатан агрессияси ер юзидаги барча халқларнинг қаҳр-газабини уйғотмоқда. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Вьетнам халқи билан ҳамдардирлар. Улар вьетнамликларнинг одилона курашини сўзсиз қўллаб-қувватламоқдалар ва уларга ҳар томонлама ёрдам беришни қардош социалистик давлат олдида ўз интернационал бурчлари деб билмоқдалар.

Е. БЛОК.

ҚАҲРАМОН ВЬЕТНАМНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

АНГЛИЯ

Американинг Вьетнамдаги агрессияси қурбонларига ёрдам кўрсатиш мақсадида қон бермоқ учун донорлардан 60 дан кўпроқ киши Шимолий Лондондаги врач кабинетига келишди.

Донорлар орасида парламент аъзоси лейборист Хью Женнинс, ёзувчи Жеймс Олдриж, социалистик медицина уюшмасининг вакили доктор Старк Мэрей, медик студентлардан бир группаси ва Лондон район комсомол комитетининг деярли ҳамма аъзолари бор.

ИТАЛИЯ

Падуя шаҳри университети профессорлари ва ўқитувчиларидан 200 га яқин киши Италия Министрлар Советининг раиси Морога, ташқи ишлар министри А. Фанфанига мурожаат қилиб, уларни Қўшма Штатларнинг Вьетнамдаги агрессив сиёсатига қўшилмаслиққа даъват этди.

Флоренцияда Америка ҳарбийларининг жиноятларига карши норозилик билдириш юзасидан кўп киши қатнашган митинг ва намойиш бўлиб ўтди. Италия Коммунистик партияси раҳбарлигининг аъзоси К. Галлуцци кўпминг киши иштирок этган митингда нутқ сўзлаб, тўпланганларни Вьетнамда тинчлик учун олиб борилаётган курашни кучайтиришга ва Италия ҳукуматини АҚШга қарам бўлмаган ташқи сиёсат юритишга мажбур қилишга даъват этди.

АҚШ

Оддий демократлардан тахминан 37 минг кишининг вакили тўпланган Калифорния демократик кенгаши ҳар йилги 15-съездининг қатнашчилари Вьетнам Демократик Республикасини «бомбардимон қилишни дарҳол тўхтатиш»ни талаб қилдилар.

Съездда қабул қилинган программ баёнотда бомбардимон қилиш тўхтатилгандан кейин бир ҳафта ичида сулҳ ҳақидаги масала юзасидан ўтказиладиган кенгашда қатнашишга ўзининг тайёр эканлигини ва музокараларда Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг иштирок этишига розилик билдиришини эълон қилиш АҚШ ҳукуматига таклиф этилади.

АВСТРАЛИЯ

Австралияда чиқадиган «Англикан» газетаси ўзининг редакцион мақоласида ҳарбий юк ортиб Жанубий Вьетнамга боришдан бош тортаётган «Бунару» ва «Жепарит» юк кемалари денгизчиларининг курашини қўллаб-қувватламоқда.

Жанубий Уэльс хотин-қизлар ташкилоти агрессив урушнинг тўхтатилишини ҳамда Америка, Австралия қўшинларини ва улар билан иттифоқчилик қилган бошқа мамлакатларнинг барча қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетишни талаб қилди.

АФРИКА

Африкадаги етти партия ва ташкилот вакилларининг баёнотида бундай дейилади: «Биз Америка агрессорларининг Вьетнамдаги фашистик ёвузликларини миллионмиллион мазлум халқлар номидан қаттиқ қоралаймиз. Маккор ва шафқатсиз душман устидан тобора янгидан-янги ғалабаларга эришаётган Вьетнам халқининг мислсиз каҳрамонлигини табриклаймиз.

Вьетнам халқи ҳар чуни қурбонлар бериб ва мухтожликка учраб фақат ўз мустақиллиги ва суверенитетини эмас, шу билан бирга Африка, Осиё ва Латин Америкасидаги миллий озодлик ҳаракати ғалабаларини ҳам ҳимоя қилмоқда». Бу ҳужжат курашаётган Вьетнам халқи билан бирдамлик юзасидан бошланган ҳафталик муносабати билан Кохирада тарқатилди.

(ТАСС).

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия гурруши—В33469, В37221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалик—В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553. Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ А — 62. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. Р. 01657.